

Жонкуяр жамоатчилар

Пўла-йўа палто кийиб олган, ўрта ёшлардаги кўнгир кўйлоқ киши зарб билан ишқини очиб: — Мени тинч кўяналарим, йўқми, ё устларингиздан араз қилайинми? — деб сўради.

Хонадаги аёллар ҳайрон эди. Шикоятчи овозини бадалла кўтариб, у ердагиларга дўқ урабдилади:

— Мана, самолётнинг билети. Кечта Олтой ўлкасидан қайтдим. Эртага Сибирга учибим керак. Ишим тикилинч. Колхознинг вилосиния пузлаб, қурилиш материаллари жўнатилиш зарур.

Амату Артюнович Хачатуров қанчадан-қанча кераксиз гапларни тах-лаб ташлади.

— Менга раисимиз Мерганов кўп топириқлар берган, — деб жов-бар эди у.

Хонада биа ҳам бор эдик. Колхоз аъзосидан деб кўрагига уриб гап-раётган кишининг сўзини зимдан кузатдик. У кўнрада нима сабабдан яшамай қўйгани ҳақида биронта ҳам далил келтира олмас эди. Хачатуров балиндаров гаплар, кўруқ дўқ уришлар билан ўз сўзини ўтказмоқчи бўлди. Асида у Тошкент шаҳар, Стекольный тугидаги 9-хонада бир неча йилдан бери яшамайди. Гапнинг очиги у кишини Оржоникидзе районидagi «Ленинград» колхозига раис ва бухгалтердан бўлак ҳеч ким танимайди. Ёш-турни жойи номатлум. Хотини Ро-за Петровна болалари билан Мого-тогорский кўчасидаги катта ҳовлида яшайди.

— Уйда яшамаганларингдан кейин, — деди аёллардан бири, — квартирани топириқ, уйсизларга берайлик.

— Йўқ, — деди Хачатуров, — тақдор айтаманки, уйнинг калитини бермайман.

— Биз, — деди Ольга Артуровна, — ана шундай шахсларга қар-ши кураш бошладик. Улар ўзлари-нинг билиб, бошқалар билан иши йўқ, уй-жой «касал»га йўқлиб қол-иш-ган. Янги уй қуриб, аскариларни пуллаган ёки ошна-оғайниларига «ҳада» қилишга ҳаракат қилмоқда-лар.

Хизматчи Усмон Исмамуҳамедов ҳам Хачатуров тоифасидаги шах-слардан бири бўлиб чиқди. У ҳам бир неча хоналик ўз шахсий уйига ёқа бўлишга қарамай, турли баҳо-наларни рўқач қилиб, коммунал хў-жалинга қарашли квартирани бў-шатидан бош тортиб юрибди. 4-нон заводининг директори Иван Дмитриевич Солод, мақарон фаб-

рикасининг директори Абдухалил Акромовлар ҳам ортиқча уй-жойни ағаллаб келмоқдалар...

Киров район ижроия комитети ҳу-зурида жамоатчилик асосида таш-кил этилган уй-жойларни ҳисобга олиш ва тақсимлаш бўлимининг 10 кишидан иборат аъзоси бор. Улар ортиқча уй-жойларни аниқлашда, коммунал хўжалигига қарашли ян-ги қурилиб битказилган уй-жойлар-ни тўғри тақсимлашда район иж-роия комитетига яқиндан ёрдам бер-моқдалар.

— Жамоатчилик асосида ташкил этилган бу бўлим, — дейди шу бўлим-нинг ходими ўртоқ О. А. Дзубенко, — квартира тақсимлашдаги жиддий камчиликларни бартараф қилиш йў-лида аниқгина иш қилди.

Дарҳақиқат шундай. Авваллари квартира оддини сўраб ариза бер-ганлар учун 8 хил рўйхат тузилган эди. Категориялар бўйича мавжуд бўлган рўйхатлар тугатилиб, улар ўрнига ягона рўйхат тузилди. Иж-роия комитет уй-жой ва квартиралар-ни бўлимнинг фикрини инобатга олган ҳолда тақсимламоқда.

Ижроия комитетда ишнинг бун-дай ташкил этилиши ариза ва ши-коятларнинг кескин камайишига са-

баб бўлди, уй-жой олувчиларнинг сони кўпайди.

1958 йили 60 кишига уй-жой бе-рилган эди. 1960 йили аса бу ра-дам 200 га етди. Утган йили район ижроия комитети бўшаб қолган уй-ларга 350 кишини жойлаштирди. 240 оилага аса Чиланзор массиви-дан уй-жой олиб берилди.

Бўлим корхона раҳбарлари ўрта-сида ҳам ўз таъсирини ўтказди. Ички резервлар қидириди. Бўлим-нинг Манакова, Иброҳимова, Фино-ненко ўртоқлар каби аъзолари жой-лардаги касаба союз ташкилотлари, муассасаларнинг раҳбарлари билан яқиндан алоқада бўлиб, уй-жой қу-рилишини теалаштиришга муносиб ҳисса қўндилар. Натияжада биргина 1961 йилининг ўзида «Узбексель-маш» экскаватор-ремонт, абразив заводлари ва 1-тикувчилик фабри-каларида 600 хонадонга етарли уй-жой қурилиб, фойдаланишга топ-ширилди. Пенсионерлардан Шермуҳ-медов, Федотова, ишчи Ғоziхон-ов ўртоқлар каби жуда кўп кишилар ҳамма қудайликларга эга бўлган уйларга кўчиб кирдилар.

Ижроия комитетнинг жамоатчи-лик асосида ташкил этилган бу бў-лими ўз фаолиятини кун сайин кў-чайтирмоқда.

М. ҒОЗИЕВ.

Депутат билан учрашув

Тошкентдаги Собор Раҳимов маҳалласи-нинг меҳнатқиллар ўз депутатлари билан тез-тез учрашиб турадилар. Учрашувларда маҳаллада қилинаётган ишлар аниқланади, гаплари аниқлаб берилганда, яқинда сайловчилар ўз депутатлари билан яна учрашувлар. Учрашувда шаҳар Советининг депутат ўртоқ Ф. Юнусов сайловчилар-нинг нақлини бажариш бўлида нималар қилинган ҳақида сўзлаб берди.

— Сайловчилар йилгиларида, — деди депутат — кўча ва кўриқларнинг ремонт қилинида ёрдам бериш юзасидан нақаллар берилган эди. Мен бу нақалларни бажа-риш учун ҳаракат қилдим. Маҳаллаани аҳвалларига шайга етказишда, тротуарлар асфалтлашда, Комсомол майдонинда «По-бола» паркига баровалдан йўлда пессажир машиналар қатнови йўлга қўйилди.

Сўнгра депутат сайловчиларни републи-каси похтайтда қилинган ишлар би-либ батафсил таништирди. Кейинги вақт-да шаҳарда уй-жой ташкилининг йўқлиги учун қўнгина зарур таъбирлар амалга оширилди. Шаҳарнинг барча районларида уй-жой қурилиш кенг аяш олдириб юбо-рилди. Октебра, Чиланзор массивларида кўп қаватли ҳашаматли уй-жой бинолари кўп қурамоқда, янги кўчалар бунёда кела-ётар. Болалар босча ва яспилари, мактаб-

лар, мактаб-интернатлар қуриш соҳасида аниқгина ишлар қилинди. Яқин вақт ичи-да шаҳардаги мактабларнинг ҳаммасида машғулотлар бир сменала олиб берилди. Депутатнинг сўзи ғамом бўлган, маҳалла меҳнатқилларидан Й. Расулов, З. Тенбаев, қов. Н. Муҳаммаджонова, М. Мусев каби ўртоқлар сўзга чиқиб, шаҳар Советининг депутатли олдига янги талабларни қўйди-лар.

— Менимча, — деди сайловчи Н. Му-ҳаммаджонова, — меҳнатқиллар депутат-лари шаҳар ва район Советлари болалар меҳнатқиллар кўнралини учун зарур чора-лар қўриш керак. Афсуски, бу соҳадан ишлар ҳали талабга жавоб бермайдн. Депутатларимиз яқин резервларни топишда маҳаллий Советларга яқиндан кўмак бер-моқлари керак.

Болалар болалари учун қўнмича бино-лар ажратиб зарур. Бу билан биз кўнлаб болалик оналарни жамоат ишларига тор-ган бўламиз. Учрашувда кўчаларни электрлаштириш, водопровод колонкаларини қўнралини, йегишга хизматини яхшилаш юзасидан ҳам талаблар қўйилди. Депутат сайловчи-ларнинг бу нақалларини ҳам бажариш учун ҳаракат қилишга ваъда берди.

Н. ТОШПҒАЛОВ.



Тошкент йирик панелли уйлар комбинати коллектив КПСС Мар-казий Комитетининг навбатдаги Пленуми шарафига мусобақани қўнмишда. Ёш арматурачи Ҳа-ким Толинов бу мусобақа пешқа-дамларидан ҳисобланади. У нор-мани анча ошириб олд этмоқда. Сўрагач: ўртоқ Ҳ. Толинов иш устида.

А. Абалин фотоси.

„Мастерлар кунин“

«Ташкенткабель» заводи-да «Мастерлар кунин» ўтқа-зиб туриш одат тусеца қи-либ қолди. Бу кунда қи-злар сўхбатлар ўтказила-ди, тематик лекциялар ўқи-лади, мастерлар ўзаро таж-риба алмашдилар.

Яқинда бўлиб ўтган «Мастерлар кунин»да цех бошлиғи А. Зайцев «Завод-да янги техниканинг жорий қилиниши», бош энергетик ўринбосари А. Козихин «Заводни газификациялаш» деган темаларда лекция ўқиди.

«Мастерлар кунин»да тур-ли жойларга экскурсиялар ҳам уюштирилиб турибди. Мастерлар астрономия обсер-ваториясини бориб кўри-лар, газ аппаратлари заво-дида, Тошкент электроцент-рალიда ва бошқа корхона-ларда бўлиб, ишлаб чиқа-риш аниқликлари билан танишдилар.

Р. СОБИТОВ.

КОММУНИЗМ КУРТАКЛАРИ ЗАНГОРИ ШКАФ

Элаб-алаб ёғатган қор электр лампочкаларининг ёркин нурида ин-жукек товланад-ю, каламакдек ай-ланги-айланиб, дарахтларнинг ялон-ғоч шохларига, томларга, кишилар-нинг уст-бошига секингина келиб тушади. Қиш оқимининг жозибаси кишини мафтун қилади.

Хиёбонда гурунглашиб бораётган йиғирма човлиқ йигит темирўлчи-лар Маъаният саройига ақинлашган, устиларига тунган қорни қориб ташлашда-да, ичкари киришди. Ни-гитлардан бири дўстларининг давра-сидан ажралди-ю, ўнг томонда қўри-ниб турган каттақон эшикка қараб йўл олди.

— Йўл бўлсин, Толя? — сўради Николай ҳайрон бўлиб.

Толя «ҳозир» деди-ю, кутубхона-га кириб кетди.

Бир оздан сўнг қовоқ-тумшуги осилиб чиқиб келган Анатолийни кўрган Николай кулиб юборди:

— Ҳа, нима гап? — у деразалан гашқарига имо қилиб қўйди. — Шун-ча қор қаёқдан ёғаяпти десам, се-нинг қовоғингдан тушаётган ақан-да!

Анатолийнинг ҳазиллашгудек ҳо-ли йўқ эди.

— Кўрмайсизми, — деди у ва кутубхонага қараб атайлаб баланд овоз билан қўшиб қўйди, — қайси китобни сўрамагин! — Йўқ! Бирн қўла-да бўлса, иккинчиси мутлақо то-пилмайди. «Очилган қўриқ» — йўқ!

«Бонг»ни ақингинада бир қиз олиб кетибди...</



Тўлқинистон қўшиқлари



МИРЗАЧЎЛЛИК ЁШ ШОИРЛАР КУЙЛАЙДИ

Яқинда Комсомол районидаги Ленин номидаги колхоз клубида Мирзачўл гуруҳи раёонлари ёш ҳаваскор шоир ва ёзувчиларининг мушоира кечаси бўлди. Бу кеча «Тошкент ҳақиқати» газети редакциясининг ташаббуси билан ташкил этилган эди. Гулистон, Янгиер, Комсомол ва Сирдарё районларида ижод қилаётган ёш қаламкашлардан Тошмабат Рўзиев, Ҳасимжон Халилов (Гулистон), Илдош Бобоёв, Аҳмадали Қўқонбоев, Х. Усмонова (Янгиер), Ҳамроқул Ризо, Н. Зарипова (Комсомол) ва бошқалар кечада ўз ижодларидан парчалар ўқиб бердилар. Мирзачўли ўзлаштиратган, гулла-

ган водига айлантараётган, коммунизм қураётган қаҳрамон халқимиз ҳаётини тараннум этиш — ёш ижодкорлар илҳомининг асосий манбаидир.

Кечада иштирок этган Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг секретари, ёзувчи Ҳамид Гулом ёш қаламкашларга маслаҳатлар берди, уларни кунт билан ижод қилишга, ўз маҳоратларини тинмай оширишга чақирди.

Биз ушбу «Гулистон қўшиқлари» саҳифасида мирзачўллик ёш қаламкашлар ижодидан дастлабки парчаларни эълон қилмоқдамиз.

ИККИ ШЕЪР

ГУЛИСТОН БАҲРО ЭТИБСАН

О, миршкор дехқон! Гул қўларингда
Бўз ерлар қўйинга баҳор этибсан.
Гўёлар битмаган қақроқ чўлларда
Бир чаман Гулистон барпо этибсан.
Қирлар, адирларнинг зангор бекасам,
Меҳринг оғушида унар «оқ олтин».
Сиргадек товланар сахарги шабнам,
Ҳар ғўза бир қиз-у, билмайман отин.

ЭЛЕКТРЧИ ҚИЗ

Меҳринг қўшимиди, қўларингда нур,
Сенинг измингдади сўмас чироқлар.
Қўлда юлдуз янглиг гузал кўринур —
Шаҳарлар, овуллар, йироқ йироқлар.
Ҳар уйга шуъладай балқиб кирасан,
Ҳар жойда топасан ҳурмат-этибор.
Кишилар қалбига қалқиб кирасан,
Гашта меҳнатинга муҳаббатим бор!

Ҳасимжон ХАЛИЛОВ.
Гулистон шаҳри.

☆☆☆



(Жанубий Мирзачўл канал ҳақида қўшиқ)

Мирзачўлнинг белига белбоғ бўлиб боғланган,
Ҳамал ойи кирганда тўқин отиб боғланган.
Тошлардан, тўғонлардан кўкка сапчиб, айланган,
Жазм айлаб қайга бурсанг, лочин янглиг шайланган, —

Асов отдай канал бу,
Чўлга кўрку сайқал бу,
Бўлажак юмушларга
Ҳам идрок амал бу.

Бор-роғ яратиб учун,
Нурлар таратиб учун;
Ҳайқирган эфр арслондай
Алмас ҳалсиз кучин.

Соғинган бир ўғлингиз, дилдан кўрай деб келдим,
Ошқин, тоқсин сувинга тўшим урай деб келдим,
Севгилмасан сен билан сўхбат кўрай деб келдим,
Кумуш қирқоқларингда яйраб юрай деб келдим.

Чўлин бўсток этибсан,
Дилин дoston этибсан,
Мирзачўл кўрнига
Гуздан даста тутибсан.

Чўл қўйинга оқабер,
Чўлга чечак тақабер,
Уйонган сахарларга
Қўшиқ айтиб ёқабер.

Ҳамроқул РИЗО,
Комсомол райони.

☆☆☆

РУБОЙЛАР

СЕВМАСАНГ

Вафодор бўлиб, уяр қўладошинг — ўз ёринг севмасанг,
Фидокор бўлиб, ҳалол меҳнат, касб-коринг севмасанг,
Ҳақмоқ сингари бир чакнаб, сўнгра қўлмай ном-нишонинг,
Абад сўнурсан агар халқинг, дийринг севмасанг.

БЎЛАДИ

Илимиз-тўрт фасл, унинг бири ёз бўлади,
Дилрабо ёзинг ҳар он, ҳар кун саз бўлади,
Исон шу ёз қадрини билиб меҳнат қилмаса,
Билиб қўйинг, куз келса самараси оз бўлади.

ИНСОН

Чексиз денгизда бўлиб елкам сузувчи ҳам инсон,
Ҳар ишга қодир, унга имкон топувчи ҳам инсон,
Бутун борлигининг сир-асорини килиб ошқора,
Ерни мунаввар, нислсиз қон этувчи ҳам инсон.

Тошмабат РЎЗИЕВ.

Гулистон райони.

☆☆☆

☆☆☆

Хўжайин гул-гул очилиб парёс-
туқин икки букчанича ёйбошлаб,
хўзув қилиб ётарди. Вақти-вақти
билан томдан тараша тушгандек
қилиб гапириб қўйса, кулгидан жой-
и бўлмаса ҳам Обид югурдак бу-
тун вужуди билан қотиб-қотиб қў-
лишга ҳаракат қиларди.

Обид, тишимнинг орасига гўшт
кириб қолибди, гугуртинг бўлса
ташпа! — деди хўжайин сиртига оғ-
зини очиб турган илон тасвири ту-
ширилган пилдани тамоша қилар
экан.

Обид югурдак дик этиб ўрнидан
турди. Шоҳлари тарвақайлаб кетган
қари толиннинг шохига қистириб қў-
йилган райхон чўлидан синдириб,
хўжайинга узатди:

— Атайлаб тиш қавлагич қилиш
учун олиб қўйгандим.
— Атайлаб... Ҳо-ҳо-ҳо... қулди
хўжайин, — обба сени, атайлаб
олиб қўйдим дегин!

— Тишга ҳар хил чўпларни те-
ғизиб бўлмайлди дейишди, — деди
Обид югурдак илжайиб.

Хўжайиннинг кулганини кўриб,
унинг ҳам оғзининг танаби қочди.
Кейин бироз олдинга ингашиб хў-
жайинга уқтира кетди.

Югурдак

(Ҳажвий дикоя)

<>

Зожир чўчмалларми? Бе, ҳасат ки-
лишди, сизни кўрганга кўзи йўқ
уларни, кўриша олмайди! Содасиз-
да, хўжайин!

— Содда? Мен соддаманими? —
Ажабланди хўжайин.

— Ҳа, ҳам содда, ҳам очик кўн-
гилсиз. — Обид югурдак қиқирлаб
кулиб олди. — Яна, сизнинг энг ах-
ши хислатларингиздан биттаси шу-
ки, жуда ҳам камтарсиз! Ҳа, хўжа-
ин, кулманг, ўзингизга билинмаси

керак-ку, жуда ҳам олижанобсиз...
Мақтовлардан талтайиб кетган
хўжайин Обид югурдак биланга қў-
йиб қўйган айна чойини бир сими-
ринда яримлатиб:

— Сен ҳам тузиксан, а нима де-
динг? — деди савол назари билан
Обид югурдак қараб.

Хўжайиннинг бу сўзлари Обид
югурдакка аллагаандай туюлди на-
зарда.

— Кўса!

— Лаббай хўжайин.
— Бориб шифонин айтиб кел,
далага бораман!
— Шу тоғда-я? Кун жа иссиқ-
ку, қийналиб қолмасмикинсиз...
— Кун иссиқ бўлса нима бў-
ли, музимизмики эриб кетардим, —
деди раис овозини бир нарда қў-
риб.

— Қўлақ хўжайин...
Обид югурдак кетди.
Бироздан кейин қўлида этак ут-
лаган, ёши анчага бориб қолганига
қарамай қомати тик, оппоқ соқолли
бир мўйсафил раис этган серсоя
толиннинг тағига кетди.

— Соғлаб ётибсизми, Абдушукур,
— деди мўйсафид. — Бир омонат
гап бор эди, Секретарь қизингиз шо-
рилиб келатган экан, ҳа десам
«раис амакини бюрга чақиртмай-
ти, айтгани кетайман» деди. Мен
айтиб ўтарман деб қайтариб юбур-
дим.

— Бюро... — деди бирдан қовоғи-
ни солиб Абдушукур, — ҳам!
Раис ер остида чолга қаради:

қўлатишда қоп-қанор...

Раис турган жойида қотиб қол-
ди. Кўзига икки буқилиб илжайиб
турган Обид югурдак кўринди...
Ҳажийди, пешонасини муздек тер
босди.

— Ҳо хўжайин, машина тайёр!
Раис қайрилиб қаради. Обид
югурдак қора «Зим»дан гердайиб
тушатганди.

— Берикел!
Обид югурдак илжайганча йўр-
ғалаб келди-да, унинг оғзига ти-
килди.

— Сенга энди гап шу!
— Ҳўп.
— Ҳозир идорада хизматчилар
учун ажратилган этакдан олгинда,
биринчи бригадага бориб пахта
тергин!

Обид югурдакнинг кўзодди қо-
ронгиланди. Гапирмоқчи бўлган
ади, томоғига аччиқ нарсаси тиқил-
гандек бўлди-ю, гапиролмади.
Кўзи йилтириб, унда томчилар кў-
рингандек бўлди.

— Кўзингизни арт! — раис Обид
югурдакка ўдгайлади. Мени сенга
ўшмаганлар расво қилди, мана энди
ишим бюрга ҳам тушди, бюрга!

Маҳмуд ЖУРАЕВ.
Гулистон шаҳри.



Суратда: Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг секретари Ҳамид Гулом мирзачўллик ёш қаламкашлар орасида.
А. Абаляев фотоси.

ҲАМИД ГУЛОМ.

О Қ Ў Ў Л !

Улар қирқ киши. Қирқ йилгит ва қиз. Улар
макон этган элнинг оти Гулистон. Поёнсиз
Мирзачўл ўрталлигидаги асани Мирзачўл рай-
онига улар ўзлари шундай от қўйдилар.

Шу ерда «Коммунизм учун» газетаси чи-
қди. Икки саҳифалик кичик форматлик од-
дий район газетаси. Чаманга айланаётган
чўлданги ишларни ёритади.

Ана шу газета яқинда янги мазмун касб
этди. Чўл қаҳрамонлари қалбига янги ҳа-
васлар уйғотди. Бунга шу сабаб бўлдики, ҳа-
васкор адабиётчилардан қирқ йилгит ва қиз
унинг редакциясига жам бўлиб, ижодий иш
бошлади. Бу адабиёт тўғрисидаги бошқа
тўғрисидадан фарқи — географиясининг кең-
лига ва айниқса, иштирокчиларининг ҳаётга
бевоқифа яқинлигидир. Унда Гулистон ва Ян-
гиердан, Ховосдан, «Бойвут» совхозларидан
ёш қаламкашлар қатнашапти.



ШАХМАТ

Кучлар тенг келиб қолганда

Тошкент шахмат чемпионати-нинг 6-турида мусобақа пешқадамлари ўзаро учрашдилар. Мастерликка кандидатлар Хасидовский билан Хожиевков партиясида...

Мастерликка кандидатлар Юсулов билан Первозников ўртасида яқинда кескин «жанг» бўлди. Мураккаб курашлар натижасида Юсулов бир пилда ютди ва ўз аҳволини яхшилаб олди...

Исмаилов-Элбеков ва Набираху-жаев — Шоматмулов ўйинлари ҳам дуранг натижа берди. Харламов Базиннинг, Курдин Зокировни ва Шварцман Горшковни етди.

Хозирча 4,5 тадан оқроқ олган Первозников ва Хасидовский олдинда бормоқдалар.

М. МУХТИДИНОВ, СССР спорт мастера.

ШАХСИЙ МАШИНА ЭГАЛАРИ ДИҚКАТИГА!

Кўча ҳаракати қондасини ўрганинг

Колхоз ва совхозларимизнинг турмушига транспортнинг моточици, мотороллер ва енгил автомобиллар каби турлари тобора кўпроқ кириб бормоқда.

Айрим ҳолларда бу машиналар бошқаришда тажрибасиз етарли бўлмаган интилар қўлга тушиб қолди, кўча ҳаракати қондаларининг бузилиши ва баъзан кўнгилсиз ҳодисаларнинг рўй беришига сабабчи бўлаётди. Шунинг учун ҳам Тошкент шаҳри Ички ишлар бўшқармаси автономиясида шахсий автомобилларнинг йўл ҳаракати қондаларини ўргатиш бўлими ташкил этилди.

1962 йил 1 апрелдаги иштирокчи тошпирмаган шахсий машина эгаларидан автомобилнинг йўл ҳаракати қондаларини ўргатиш бўлими ташкил этилди.

1962 йил 1 апрелдаги иштирокчи тошпирмаган шахсий машина эгаларидан автомобилнинг йўл ҳаракати қондаларини ўргатиш бўлими ташкил этилди.

Область йқроия комитети ички ишлар бошқармаси бу қарорни бажара бориб, кўча ҳаракати қондаларини ўргатиш бўлими ташкил этилди.

ТЕКНИХУРГА ШАФҚАТ ЙУҚ!

Абдуқодир ноқобил чиқди

Бечки пайт. Кўчалар одамлар билан таъмин. Кўчи бўли ижодий меҳнат гаштини сурган кишилар ўз уйларида ошмоқда. Лекин анени йигит ким бўли экан? Мастлигидан зўрға беғида турибди. Кимга ақиллашса, ўша киши ўзини четга олади. Ажабо, бу йигит нега шу қўйга тушиб қолди, нега ундан ҳамма юз ўтириди...

Абдуқодир Мираахмад отанинг ёлғиз фарзанди. Ота-онидан 6 ёшда етим қолган бу фарзанднинг ота-онаси, унинг деб оғмушча меҳнат сарф қилмади. Биринчи кўчани авайлаб ўстириб, унинг меҳнатини кўнчилик баҳраманд бўлиши деб ишга қўйиб тиним билмаганлик, Мираахмад ота ҳам ўғлини ўлғасини, келажакда юртва хизмат қилсин деб уни тарбия қилди. Топган-тутганини шу ёлғиз фарзандининг тарбиясига сарфлади.

Лекин ноқобил фарзанд отанинг орзу-умидларини оқламади. Ўғлим энди катта бўлиб қолди, оғзим оша етди деганида бир-икки нодонларнинг сўзига қирган Абдуқодир кўнчиликнинг юзига оқ қўйди. У ичкиликка муккасидан кетди. Ҳар кун ичмасе, безорилик қилиб ўтган-кетганга гап отмасе ўғлини ташумайдиган бўлиб қолди. Отанинг куйиб-пишиб қилган насихатлари унга еира таъсир қилмади.

Октябрь райони милиция бўлими ходимлари ҳамма кўчаси, ўйлашнинг провади, 5-тупидаги 27-уйда яшовчи Абдуқодир билан бир неча бор суҳбатлашди ва «сиз нотўғри йўлдан кетясан» деб огоҳлантирдилар. Лекин Абдуқодир қайсарлик қилиб, ўз билганидан қолмади, жиноят устига жиноят қиларди.

Мана, унинг қилмишларидан бири: ўтган йилининг ноябрь ойлари эди. Абдуқодир кўчада кетаяётди бир нотаниш йигитнинг кетига тушади. Қорақалпоғистонлик бу йигит—Қўлмурад Омонбоев магазинга кириб у-бу хариш қилётганида Абдуқодир уни алдаб ташқаришга олиб чиқиб калтаклаб ҳўшдан кетказди ва ёнидаги пулларини шилиб олди. Эртасига у текин пулга ичиб маст бўлиб, яна безориликни давом эттирди. Энди милиция ходимлари у билан жиддийроқ тапалашинга қарор қилдилар.

Район халқ суди Абдуқодирни бир йил мудат билан Тошкентдан чиқариб юборишга қарор қилди. Лекин ўзбошимча йигит шунда ҳам тўзалмади. Толь фабрикасига ишга кириб, бу ерда нийҳат уч ойгина меҳнат қилди. Кейин яна шалоқлигини давом эттирарди.

Хозир Абдуқодир қамоқда, қилмишлари учун жавоб бermoқда. Мана, ўзаралиқнинг оқибати, ота, ёр-дўст, биродарларнинг сўзига кирмаслигининг оқибати.

Абдуқодир хозир 27 ёшда. У тенг ёшлар завод-фабрикаларида, қурилишларда ҳалол меҳнат қилиб, бoяга етказган ота-оналарини хурсанд қилмоқдади, жамиятта фойда келтириб, коммунизм қуриш ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Аммо ноқобил Абдуқодир қариб қолган отасининг меҳнатларини қадрламади, қариган чоғида унинг юзини ерга қаратди.

З. МУХАММАДЖОНОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ»

Мастерликка кандидатлар

„Бунисига нима дейсиз?“

Тошкент шаҳридаги Максим Горький кўчасининг Вагон протез-дигади 4-сон мактабининг худди рўпарасида спиртли ичимликлар билан чаккон савдо қилётган 35-дўкон камчили қилганлик, яқинда бу ерда яна битта худди шундай

«ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ»

4-БЕТ, 7 ФЕВРАЛЬ, 1962 ЙИЛ.

ШАХМАТ

Кучлар тенг келиб қолганда

Тошкент шахмат чемпионати-нинг 6-турида мусобақа пешқадамлари ўзаро учрашдилар. Мастерликка кандидатлар Хасидовский билан Хожиевков партиясида...

Мастерликка кандидатлар Юсулов билан Первозников ўртасида яқинда кескин «жанг» бўлди. Мураккаб курашлар натижасида Юсулов бир пилда ютди ва ўз аҳволини яхшилаб олди...

Исмаилов-Элбеков ва Набираху-жаев — Шоматмулов ўйинлари ҳам дуранг натижа берди. Харламов Базиннинг, Курдин Зокировни ва Шварцман Горшковни етди.

Хозирча 4,5 тадан оқроқ олган Первозников ва Хасидовский олдинда бормоқдалар.

М. МУХТИДИНОВ, СССР спорт мастера.

„Химик“ тайёрланмоқда

Чирчиқлик футбол иштибоқлари ўз команда-ларининг катта футбол даврасига тугашини узоқ вақт кутган эдилар. Нийҳат бу йилги мавсумда шахматнинг «Химик» командаси мамлакат билимчиллиги иштибоқлари бўлган «Б» классига ўйнаш ҳуқуқини олди.

Шу мусобақа билан шахмат стадионини кенгайтириш ишлари бошлаб юборилди. Стадион қўшимча равиш-дан 3 минг таъминоти сингидиган қилиб қайтадан жиҳозланаётди. Реконструкция ишлари шу ойнинг охиригача тугалланади.

Хўш, янги синов мавсумига футболчилар қандай тайёрла-

нишмоқда? Команда 5 январдан бошлаб оқ тренеровкаларга зўр тайёр билан киришган эди. Машиқлар Чирчиқ электроник комбин-атининг ёлғиз театрида олиб бoрилатири.

Команданинг кўп аъ-золари комбинатнинг ёлғиз театрида. Ишчи Сергей Ковал, электрчи Виктор Си-нолов, слесарлар Пу-лат Каримов, Қаниб Дўмонбетов, Василй Цецов, электрчи Но-колай Мирташев, Шо-ма Кизимов, токарь Адил Лукьянов ва бошқа ўртоқлар шулар жумласидандир. Кол-лективга илгари бош-қа «Б» класс командала-рида ўйнаган айрим

ўйинчилар ҳам қабул қилинди. Ленинобод «Помир» командаси-нинг соғиқ ўйинчиси, спорт мастера Вадим Терешченко, «Старт» (Тошкент) мастера-лар командасида ўйнаган Жўра Ёқубов, Самар-қанд «Динамо»-сида келган Иван Черемов-ский эди. Чирчиқ-нинг спорт шараф-лини кўрашадилар.

Командага Тошкент-нинг футбол ветеран-лари А. Григорьев ва Н. Мавроматов раҳ-барлик қилмади. Улар футболчиларнинг спорт маҳоратини оши-ришга, ҳар қандай ша-роитда ҳам муваффа-қиятли ўйнай оладиган

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

Улуғ инглиз ёзувчиси Чарлз Диккенс ўз асарларининг халқ-чиллиги билан бутун дунёга шахрат тاراتган адиблардан биридир. Унинг ажойиб асар-лари совет китобхоналарининг китоб жовонларидан ҳам муно-сиб ўрин олган. Тугилганига бутун 150 йил тўлган ёзувчи-нинг хотирасини совет киши-лари ҳурмат билан тилга ола-дилар.

Диккенс 1812 йил 7 феврал-да Портсидда ўрта ҳол амалдор оиласида тугилди. Бола ёшли-дага ҳамхўр доирада ашайди. Бироқ бўлмаган ёзувчи фаро-гатли турмушдан маҳрум бў-либ, шафқатсиз ҳаёт билан ёш-лигидаёқ туёнашди, очлик ва эксплуатация азобини бошдан кечириди. Отаси хонавайрон бўлиб, қардорлар турмасига қамалиб қолган. Диккенс фаб-рикада ишлашга мажбур бўла-ди. Ажойиб романлари саҳифа-сида жонланган қаҳрамонлари билан танишини ёзувчи шу ердан бошлайди. Кишилар бо-шинга капитализм ёғдирган ҳай-гу-кулфат ва болалар мажбур-лини эксплуатация қилувчи со-циал, тузумнинг адолатсизлиги-ни у ўз кўзи билан кўради.

Ўзининг насихат характери-даги дастлабки очеркларини Чарлз Диккенс 1836 йилда босиб чиқаради. Кейинчалик

УЛУҒ ИНГЛИЗ ЁЗУВЧИСИ



унинг асарлари тез оммалашиб кетди. «Пикник клубининг ўлимдан кейинги мактублари» асарининг дастлабки болириёқ 24 ёшлик ёзувчи катта му-ваффақият келтиради. Шундан сат кейин Диккенс «Оливер Твист» романини яратди. Бу асарда у қашшоқ кишиларнинг ўлимга маҳкум этилган оғир турмушнинг тасвирлайди. «Ни-колас Никкльснинг ҳаёти ва бошдан кечирганлари» рома-нида эса камбағаллар мактаби-даги ўқитувчиларнинг шафқат-сизлигини, болаларни ҳам қисмоний, ҳам маънавий маж-рух қилишини кўрсатади.